



ISSN 2091-5187

СЕРВИС

№3

ИЛМИЙ-АМАЛИЙ
ЖУРНАЛ

2024



СЕРВИС

ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ЖУРНАЛ 2024 йил, 3-сони

Муассис: Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2008 йил 31 декабрда
0561-рақам билан рўйхатга олинган.

ЎЗР ОАК Риёсатининг 19.03.2017 й., 239/5-сонли қарори билан эътироф этилган

**Тахририят ижодий
жамоаси:**

Бош муҳаррир:
и.ф.д., проф. М.Э.Пўлатов

**Бош муҳаррир
ўринбосари:**
и.ф.н., проф. Д.Х.Асланова

Масъул котиб:
и.ф.д., проф. М.Қ.Пардаев

Муҳаррирлар:
и.ф.д. Ф.А.Сафаров
PhD, доцент И.М.Пардаева
катта ўқит. Ш.З.Ўразов

Техник муҳаррир:
и.ф.н., доц. А.Н.Холиқулов

Корректор:
PhD С.А.Бабаназарова

Саҳифаловчи:
PhD Х.Н.Очилова

1 йилда 4 мартаба
чоп этилади.

**Ўзбекистон худудида
тарқатилади.**

Тахририят манзили:
140100, Самарқанд шаҳар,
Амир Темур кўчаси, 9-уй,

тел.: +998(66)233-28-38,
+998(97)913-74-40

факс: +998(366)231-12-53
эл.почта:

samisiservis@mail.ru

Тахририят кенгаши раиси:

М.Э.Пўлатов – Самарқанд иқтисодиёт ва сервис
институти ректори, и.ф.д., профессор

Тахририят кенгаши раиси ўринбосари:

Д.Х.Асланова – СамИСИ илмий ишлар ва
инновациялар бўйича проректори, и.ф.н., профессор

Тахрир кенгаши аъзолари:

Б.А.Бегалов – Ўзбекистон Республикаси Президенти
хузуридаги Статистика агентлиги директори, и.ф.д.,
профессор

М.Қ.Пардаев – СамИСИ профессори, и.ф.д.

Б.К.Ғоибназаров – и.ф.д., профессор.

М.М.Мухаммедов – СамИСИ профессори, и.ф.д.

Д.Р.Зайналов – СамИСИ профессори, и.ф.д.

О.М.Муртазаев – ТДИУ СФ директори, и.ф.д., проф.

М.Р.Болтабаев – ТДИУ профессори, и.ф.д.

Р.Х.Эргашев – ҚарМИИ профессори, и.ф.д.

И.С.Тўхлиев – СамИСИ профессори, и.ф.д.

К.Б.Уразов – СамИСИ профессори, и.ф.д.

Қ.Ж.Мирзаев – СамИСИ профессори, и.ф.д.

Б.И.Исроилов – ТДИУ профессори, и.ф.д.

Г.М.Шодиева – СамИСИ профессори, и.ф.д.

Б.Абдукаримов – СамИСИ профессори, и.ф.н.

Р.Қобилов – Самарқанд вилояти ҳокими ўринбосари

С.Н.Тошназаров – СамИСИ профессори, и.ф.д.

Р.Н.Нормахматов – СамИСИ профессори, т.ф.д.

А.Бектемиров – СамИСИ профессори, и.ф.д.

О.М.Пардаев – СамИСИ профессори, и.ф.д.

М.Т.Алимова – СамИСИ профессори, и.ф.д.

З.Дж. Адилова – ТДИУ профессори, и.ф.д.

Ш.О.Қувондиқов – СамИСИ профессори в.б., иқтисод
фанлари доктори

Л.Н.Халикова – СамИСИ профессори в.б., DSc

Ф.А.Сафаров – СамИСИ доценти в.б., DSc

Шавкат Собирович Олтаев Ўзини-ўзи банд қилишда заиф бандликдан унумли бандликка ўтишнинг инновацион йўллари	84
Меҳрангиз Олимовна Мамаюнусова Камбағалликни қисқартиришда ижтимоий хизматларнинг ўрни	88
Farruh Shadiyrovich Shanazarov Essence and content of the concept of poverty	92
Sunnatillo Bakhriddin o‘g‘li Iskandarov Xizmat ko‘rsatish sohasida oilaviy tadbirkorlikni rivojlantirishning milliy iqtisodiyotdagi o‘rni va funksiyalari	95
ХИЗМАТ КўРСАТИШ ВА СЕРВИС	
Анвар Нематович Холикулов Хизмат кўрсатиш корхоналари самарадорлигини аниқлаш йўллари	99
Komoliddin Jurabayevich Matkarimov, Adxamjan Akbarovich Urinov Transport xizmatlari eksportini modellashtirish va bashoratlash masalalari	103
Shohsanam Nuritdinovna Niyozova Milliy iqtisodiyotda internet xizmatlari bozorining samaradorligini oshirish va takomillashtirish yo‘llari	107
Dilshod Sultanovich Musinov Xizmat ko‘rsatish sohasida investitsion loyihalar samaradorligini oshirish yo‘llari	112
Aziza Tolibovna Raxmonova Xizmat ko‘rsatish sohasini rivojlantirishda oilaviy tadbirkorlikni moliyaviy qo‘llab-quvvatlash samaradorligi	117
Hamdam Iris o‘g‘li Allayorov Raqamli iqtisodiyot sharoitida milliy aloqa xizmatlari bozorining o‘ziga xos xususiyatlari	123
Нигина Бахтиёрвна Рузиева Изучение инновационного развития сферы услуг в зарубежных странах	127
ТУРИЗМ ВА МЕҲМОНХОНА ХЎЖАЛИГИ	
Suxrob Ramazonovich Bobokalonov Jozibador turistik destinatsiya tushunchasining mazmun-mohiyati, ilmiy-nazariy yondashuvlarning qiyosiy tahlili	130
Malika Axmad qizi Qurbonova Turizm va mehmonxona xizmatlarining aylanma mablag‘lar bilan ta‘minlanganlik darajasi va uning iqtisodiy barqarorligiga ta‘siri	135
Abduvoxid Quldoshevich To‘rayev Turizmda hududlar salohiyatidan oqilona foydalanishning nazariy asoslari va tamoyillari	140
Ойдин Давроновна Хамракулова Зеленая экономика и экологический туризм в экономике Узбекистана	143
Шоҳижаҳон Худоёр ўғли Мухитдинов Туризм хизматлари бозорининг ишлаш механизмини оптималлаштириш жараёни	147
Матлубахон Абдиманабовна Куймуратова Туризм соҳасини ривожлантиришнинг ташкилий-иқтисодий механизмларининг назарий масалалари	152

Матлубахон Абдиманабовна Куймуратова – Наманган муҳандислик-технология институти доценти, PhD

ТУРИЗМ СОҲАСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ТАШКИЛИЙ-ИҚТИСОДИЙ МЕХАНИЗМЛАРИНИНГ НАЗАРИЙ МАСАЛАЛАРИ

Аннотация. Мақолада туризм соҳасини ривожлантиришнинг ташкилий-иқтисодий механизмларининг назарий масалалари қараб чиқилган. Бунда мазкур соҳа бўйича хорижий ва мамлакатимиз олимлари томонидан олиб борилган тадқиқотлар таҳлил қилиниб, соҳада ташкилий-иқтисодий механизм ва туризмни ривожлантириш ва диверсификация қилишнинг ҳам ташкилий-иқтисодий механизмларининг таърифлари ишлаб чиқилган. Ушбу таърифларни ўқув адабиётларига киритиш тавсия қилинган.

Калит сўзлар. Туризм, туризм соҳаси, таҳлил, ахборот-коммуникацион технологиялари, ташкилий-иқтисодий механизм, туризмни ривожлантиришнинг ташкилий-иқтисодий механизми, диверсификация қилишнинг ташкилий-иқтисодий механизми.

Кириш. Бугунги кунда жаҳонда рўй берган глобаллашув шароитида туризмнинг ривожланиши ҳам янги босқичга кўтарилди. Бутунжаҳон туризм ташкилоти (UNWTO) маълумотларига кўра, туризм жаҳон иқтисодиётининг етакчи тармоқларидан бирига айланди. Унинг товарлар ва хизматлар экспортида тўртинчи, даромад келтириши бўйича учинчи ўринни эгаллаши, жаҳон ялпи ички маҳсулоти (ЯИМ)даги улуши ўртача 10,0 фоизни ташкил этиши¹ ҳам юқоридаги фикримизни тасдиқлайди. Ана шундай шароитда Ўзбекистоннинг мвкеи ўзининг салоҳиятига нисбатан анча кам. Бутунжаҳон туризм ва саёҳатлар бўйича кенгаши (БТСК)нинг баҳоларига кўра, туристлар келиши борасида жаҳон мамлакатлари орасида Ўзбекистон 150-ўринда туради. Унинг ҳиссасига умумий туристлар оқимининг 0,2 фоизини ташкил қилади. Аммо бу борадаги Ўзбекистон салоҳияти 2,2 фоиз тўғри келиши эътироф этилган². Ҳозирги глобаллашув шароитида жаҳонда туризм индустриясини ривожлантиришга ва туристик хизматларни такомиллаштиришга оид масалалар юзасидан халқаро тадқиқотлар натижасида бир қатор илмий натижалар олинган.

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида “Туризм индустриясини жадал ривожлантириш, иқтисодиётда унинг роли ва улушини ошириш, туристик хизматларни диверсификация қилиш³, иқтисодиёт тармоқлари ва ҳудудларнинг экспорт салоҳиятини кенгайтириш ва сафарбар этиш⁴” вазифаси юклатилган. Аммо мамлакатимизда туризм инфратузилмаси, туристик хизматларнинг сифат даражаси, туризм хизматларини кўрсатиш ҳолати, мамлакат иқтисодиётига қўшаётган ҳиссаси бугунги кун талабларига жавоб бермайди. Шу туфайли мазкур соҳада чуқур илмий-тадқиқотлар олиб бориш бугунги кун талабидан келиб чиқадиган объектив заруратдир. 2019 йил 5 январда “Ўзбекистон Республикасида туризмни жадал ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-3217-сонли қарори, 2020 йил 28 майдаги “Коронавирус пандемиясининг салбий таъсирини камайтириш учун туризм соҳасини қўллаб-қувватлашга доир кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирлар тўғрисида” фармони ва бошқа мазкур соҳага тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белиланган вазифаларни амалга оширишга муайян даражада хизмат қилади.

Мавзуга оид адабиётларнинг таҳлили. Туризм соҳаси, унинг ривожланиш тенденциялари, мамлакат иқтисодий-ижтимоий ҳаётидаги ўрни, соҳага табиатига хос назарий ва методологик масалалар хорижлик иқтисодчи олимлар томонидан ўрганилган.

¹Бутунжаҳон туризм ташкилоти (UNWTO) расмий веб-сайти маълумотлари асосида муаллиф ҳисоб-китоблари. UNWTO World Tourism Annual Report 2018.

²Бутунжаҳон туризм ташкилоти (UNWTO) расмий веб-сайти маълумотлари асосида муаллиф ҳисоб-китоблари. UNWTO World Tourism Annual Report 2018.

³Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги фармонининг 1-илоvasи “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегияси”. – Т.: Ўзбекистон, 2018. - бет. ва Lex.uz.сайтида.

⁴Ўша жойда

Хусусан, В.И.Азар, В.С. Боголюбов, В.Квартальнов, Н.Кабушкин, Г.Папирян, Б.А.Романов, Сапрунова, В.Сенин, Ф.Котлер, Дж.Боуэн, Дж.Мейкенс, Дж.Уокер, Л.Ф.Ходорков, Ю.Ф.Волков, А.Д. Чудновский, Н.М.Кулдошина, А.Браймер, А.Л.Лесник, И.П.Мащицкий, Д.С.Ушаков, В.Г.Федцов ва бошқа олимларнинг¹ илмий ишларида туризм соҳасини ташкил этиш ҳамда амалга оширишнинг назарий ва амалий жиҳатлари кўриб чиқилган. Туризм соҳаси билан шуғулланаётган мамлакатимиз иқтисодчи олимларидан Н.Тўхлиев, Қ.Абдурахмонов, А.Саидов, И.Тўхлиев, Н.Абдусаломова, М.Қ.Пардаев, Н.Ибрагимов, А.Норчаев, Б.Мирбабаев, О.Ким, С.Рўзиев, Н.Рахимова, А.Саидов, Б.Сафаров, Н.Тухлиев, Т.Абдуллаева, Б.Тўраев, О.Хамидов, М.Алимова кабиларининг илмий ишлари ҳам эътиборга лойиқ⁶. Ушбу олимлар асарларида Ўзбекистонда туризм соҳасини янада ривожлантиришнинг стратегик йўналишларини ва ташкилий-иқтисодий механизмларини аниқлаш, туризмга инновацияларни жорий этиш каби масалалар ушбу муаммога бағишланган адабиётлар етарли даражада ўрганилмаган. Буларнинг ҳаммаси мазкур ишнинг долзарблигидан далолат беради.

Тадқиқот методологияси. Тадқиқот жараёнида илмий абстракция, тизимли ёндашув, киёсий таҳлили, таҳлил ва синтез, индукция ва дедукция, сабаб ва оқибат, умумлаштириш, омилли таҳлил ва бошқа таҳлилий ҳамда статистик усуллардан фойдаланилган.

Таҳлил ва натижалар. Туризм соҳаси бевосита аҳолининг ҳаёт даражаси ва сифатинини оширишга, иқтисодиётнинг ривожланиши ва самарадорлигининг ошишига таъсир қиладиган муҳим омиллардан бирidir. Аммо туризмни ривожлантириш ўта мураккаб бўлиб, уни амалга оширишда таъсирчан ташкилий-иқтисодий механизмлардан тўғри фойдаланишни тақозо қилади.

Ўз навбатида ташкилий-иқтисодий механизмлар барча соҳалардаги сингари, туризм соҳасида ҳам қотиб қолган ёки ўзгариши мумкин бўлмайдиган дастак эмас. Улар бир

¹Котлер Ф., Боуэн Дж., Мейкенс Дж. Маркетинг. Гостеприимство и туризм. / Пер. с англ. – М.: ЮНИТИ, 1998., Уокер Дж. Введение в гостеприимство. Учеб. Пособие / Пер. с англ. – М.: ЮНИТИ, 1999.,Ходорков Л.Ф. Мировое гостиничное хозяйство. – М.: 1991.,Волков Ю.Ф. Гостиничный и туристический бизнес. – Ростов н/Д: Феникс, 2009. – 637 с., Туризм и гостиничное хозяйство / Под ред. А.Д. Чудновского. – М.: Эксмо, 2000.,Кулдошина Н.М. Экономика и финансы гостиничного бизнеса. – М.: МАТГР, 2000.,Браймер А. Основы управления предприятиями и организациями индустрии гостеприимства. – М.: 1994, Организация и управление гостиничным бизнесом. / Под ред. А.Л.Лесника, И.П.Мащицкого, А.В.Чернишева – М.: 2000, Саак А.Э., Якименко М.В. Менеджмент в индустрии гостеприимства (гостиницы и рестораны). – СПб.: Питер, 2007. – 432 с., Косолапов А.Б. Теория и практика экологического туризма. – М.: 2005., Квартальнов В.А. Теория и практика туризма. – М.: Советский спорт, 2004., Мичелли Дж.А. Rits-Carlton: золотой стандарт гостиничного бизнеса нового тысячелетия / ДжозефМичелли: пер. с англ. В.С.Иващенко. – М.: Эксмо, 2009. – 320 с., Туризм и гостиничное хозяйство / Под ред. Л.П.Шматко. – Ростов н/Д: Феникс; Издательский центр «МарТ», 2010. – 352 с., Федцов В.Г. Культура гостинично-туристского сервиса. – Ростов н/Д: Феникс, 2008. 503 с.,Азар В.И. Экономика и организация туризма – М.: Экономика, 2003.- 322с.; Боголюбов В.С. Экономика туризма учеб.пособие для студ.высш. учеб.заведений-М. «Академия»,2005. – 192с.; Квартальнов В.А. Современные концепции социального туризма. М.: Наука, 1993.; Квартальнов В.А.; Квартальнов В.А Стратегический менеджмент в туризме: современный опыт управления. М.: Финансы и статистика, 1999.;Кабушкин Н.И. Менеджмент туризма - Минск.: Новое знание, 2002.- 409 с.; Папирян Г.А. Международные экономические отношения: Маркетинг в туризме. М.: Финансы и статистика, 2001.-160 с.;Романов А.А. Международный туризм: политика развития: Учебное пособие. М., 1998. Сапрунова В.Б. Туризм: эволюция, структура, маркетинг. М., 1997.; Сенин В.С. Организация международного туризма: Учебник.- 2-е изд.- М.: Финансыистатистика, 2005.- 400 с.;WWW.rej.ru? WWW.hrs.ru., WWW.reksoft.ru., WWW.HotelConculingGroup.ru, WWW.allstarshilton.com.

⁶.;Тухлиев Н., Абдуллаева Т. Менеджмент и организация бизнеса в туризме Узбекистана.- Т.: ЎзбекистонМиллий Энциклопедияси.-2006. - 367 с.; Абдурахмонов Қ.Х. Менеджмент туризма: учебное пособие – Т. Филиал ФГБОУ ВПО “РЭУ им. Г.В.Плеханова” Ташкент, 2013-248 с.; Ибрагимов Н.С. Ўзбекистонда халқаро туризмни ривожлантиришда дестинацион менежмент концепциясини кўллаш.– Номзод.дисс., 2008.; Ким О.К. Маркетинг туристских гостиничных услуг. – Канд. дисс., 1999.; Норчаев А.Н. Халқаро туризм ривожланишининг иқтисодий ўсишига таъсири. – Номзод. дисс., 2004.; Мирбабаев Б.Ю. Ўзбекистон туризмда маркетинг ва унинг глобаллашув шароитида такомиллашуви. Номзод. дисс., 2008.; Пардаев М.Қ.,Атабаев Р. Туристтик ресурсларни таҳлил қилиш ва баҳолаш –Самарқанд.Самиси, 2006.- 137б.;Абдусаломова Н.М. Халқаро туризмда маркетинг жараёнининг ривожланиши. – Номзод. дисс., 2001.; Рузиев С.С. Ўзбекистон маданий туризм бозори ва унинг истикболлари. – Номзод.дисс. 2009.; Рахимова Н.Р. Особенности формирования стратегии маркетинга на рынке туристических услуг. – Канд. дисс., 2010.; Саидов А.Ф. Организационно-экономические механизмы управления туризмом республики Узбекистан. – Док.дисс., 1994Тўхлиев И.С., Ҳайитбоев Р., Сафаров Б.Ш., Турсунова Г.Р. Туризм асослари Дарслик.- Т. Фан ва технология, 2014.- 332 б.; Хамидов О. Х. Выбор конкурентной стратегии предприятий на рынке туристических услуг Узбекистана. Канд. дисс., 2006. Тураев Б.Х. Развитие организационно-экономических механизмов функционирования регионального туризма.-Док.дисс., 2011.; Алимова М.Т. Худудий туризм бозорининг хусусиятлари ва тенденциялари (Самарқанд вилояти мисолида) – докторлик диссертацияси, 2017.

томондан, вақт ўтиши билан жамиятнинг ривожланиши, иқтисодиётнинг юксалиши, ҳаёт талабининг ўзгариши билан такомиллашиб бораверадиган бўлса, иккинчи томондан, бир вақтнинг ўзида турли соҳаларда қўлланиладиган ташкилий-иқтисодий механизмлар ҳам турлича бўлади.

Буларнинг барчаси мазкур масаланинг ечимини назарий жиҳатдан ҳал қилишни тақозо қилади. Бу масала бугунги кунда иқтисодиёт фанлари, мазкур ҳолатда туризмга оид фанлардаги устувор вазифалардан бири бўлиб ҳисобланади. Шу туфайли унинг мазмунини очиб бериш тадқиқотнинг навбатдаги босқичларида қараладиган масалаларга анча ойдинлик киритади.

Умуман олганда, ташкилий-иқтисодий механизм тушунчаси иқтисодий адабиётларда кўп қўлланилсада, унинг мазмунини етарли даражада тўлиқ очиб берилмаган. Мазкур масалага ойдинлик киритиш учун энг аввало, унинг луғавий маъносига эътиборни қаратиш мақсадга мувофиқдир. Ўзбек тилининг 5 томлик изоҳли луғатида ушбу тушунчалар тўғрисида тегишли маълумотлар берилган. Ташкилий-иқтисодий механизм сўз бирикмаси, аммо луғатларда ҳар бир сўзга алоҳида изоҳ берилган. Шу туфайли уларнинг ҳар бирини алоҳида кўриб чиқиш мақсадга мувофиқ. “Ташкилий” сўзи юқоридаги луғатнинг 4-жилдида қуйидагича изоҳланган: [*ташкил этишига, уюштиришига, ташкилотчиликка оид; тузиши, тузилиши билан боғлиқ бўлган*]¹. Булардан кўриниб турибдики, ташкиллаштириш бевосита бирор мақсадга эришиш учун унга таъсир қилувчи омилларни уюштириш, сафарбар қилиш масалаларидан иборатдир.

Мазкур сўз бирикмасининг иккинчи қисми – “иқтисодий” атамасидан иборатдир. Мазкур сўз ҳам алоҳида мазмунга эга. Ўзбек тилининг 5 томлик изоҳли луғатнинг 2-жилдида “Иқтисодий” сўзига қуйидагича: “*Иқтисодга, иқтисодиётга оид; иқтисодиёт (иқтисод)га боғлиқ бўлган*”² изоҳ берилган. Бундан табиий равишда иқтисодиёт сўзининг ҳам изоҳини қарашга тўғри келади. “Иқтисодиёт” атамаси ҳам араб тилидан келиб чиққан бўлиб, *хўжалик масалалари; хўжалик*³ маъносини англатиши кўрсатилган. Сўнгра унга учта изоҳ берилган: “*1 Ижтимоий тузумнинг базиси. 2 Халқ хўжалиги ишлаб чиқариш кучларининг ҳолатига мувофиқ келувчи ишлаб чиқариш муносабатлари. 3 Хўжалик тармоқларининг моддий ва молиявий томонларини ўрганадиган фан*”⁴. Ушбу изоҳга таянган ҳолда О.М.Пардаев: “Иқтисодиётнинг мазмуни бевосита ишлаб чиқариш кучларининг ҳолатига мувофиқ келувчи ишлаб чиқариш муносабатларидан иборат. Ушбу жараён жуда кўп жиҳатларни ўз ичига олади. Ишлаб чиқариш кучлари такомиллашган сари уни ҳаракатга келтирувчи ходимлар малакаси ҳам такомиллашиб боради. Мос равишда улар ўртасидаги ишлаб чиқариш муносабатлари ҳам, ўша жараёнга мос равишда такомиллашади”⁵, деган изоҳни беради. Ушбу қарашга қўшилган ҳолда, навбатдаги “Механизм” атамасига ҳам изоҳ беришни мақсадга мувофиқ, деб топдик.

“Механизм” сўзининг ҳам мазмуни юқоридаги луғатда берилган бўлиб, ушбу сўзнинг юнон тилидан олинганлиги қайд этилган ва у [*mechane – қурол, машина ёки механика машина яратиши*] сўзларини англатиши кўрсатилган ва унга қуйидагича 2 та изоҳ берилган: “*1 Машина, асбоб, аппарат ва ш.к.нинг ички, ишга солувчи қисмлари, ички тузилиши*”⁶. Кўриниб турибдики, механизм ҳам ниманидир ҳаракатга келтиришга мўлжалланган ускуна, восита бўлиб ҳисобланади. Ушбу сўзлар бирикмасига О.М.Пардаев: “Агар буларнинг ҳаммасини иқтисодиётга мос равишда қарайдиган бўлсак, уни ривожлантириш, самарадорлигини оширишга қаратилган ҳаракатга келтирувчи кучлар, омиллар мажмуи мазкур жараённинг ташкилий-иқтисодий механизмларини ташкил

¹ Ўзбек тилининг изоҳлилуғати: 80000 дан ортиқ сўз ва сўз бирикмаси. Ж. IY. Таҳрир ҳайати: Т. Мирзаев (раҳбра) ва бошқ.; ЎЗР ФА Тил ва адабиёт ин-ти. – Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” ДИН, 2008. – 22 бет.

² Ўша жойда. – 264 бет.

Ўзбек тилининг изоҳлилуғати: 80000 дан ортиқ сўз ва сўз бирикмаси. Ж. II. Таҳрир ҳайати: Т. Мирзаев (раҳбра) ва бошқ.; ЎЗР ФА Тил ва адабиёт ин-ти. – Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” ДИН, 2006. – 264 бет.

³ Ўша жойда. – 264 бет.

⁴ Ўша жойда. – 264 бет.

⁵ Пардаев О.М. Махсулотларни сақлаб сотиш хизматлари самарадорлигини оширишнинг ташкилий-иқтисодий механизмлари. Монография. – Т.: “Фан ва технология” нашриёти, 2017. – 88-89 бетлар.

⁶ Ўзбек тилининг изоҳлилуғати: 80000 дан ортиқ сўз ва сўз бирикмаси. Ж. II. Таҳрир ҳайати: Т. Мирзаев (раҳбра) ва бошқ.; ЎЗР ФА Тил ва адабиёт ин-ти. – Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” ДИН, 2006. – 584 бет.

килади”¹, деб кўрсатган. Булардан келиб чиқиб, ташкилий-иқтисодий механизм тушунчасининг таърифи ишлаб чиқилган. Юқоридаги муаллифнинг эътирофи этишича: **“Ташкилий-иқтисодий механизм деганда, иқтисодиётни ривожлантириш ва самарадорлигини оширишга йўналтирилган дастакларни ташкил этиш, уюштириш, ишлаб чиқариш кучлари ва уларнинг ҳолатига мувофиқ келувчи ишлаб чиқариш муносабатларини ҳамда ҳуқуқий асосларини такомиллаштиришга қаратилган чора-тадбирлар мажмуи тушунилади”**², деган таърифни келтирган.

Мазкур таъриф муаллифи таъкидлаганидек, “ташкилий-иқтисодий механизмлар назарий жиҳатдан яхлит тушунча бўлгани билан иқтисодиётнинг турли соҳалари, тармоқлари ва бўғинларида турлича йўналишга ва мос равишда, уларнинг ҳар бири ўзига хос хусусиятларга ҳам эга”³. Биз ушбу таъриф муаллифини қўллаб-қувватлаган ҳолда, уни назарий асос сифатида қабул қиламиз ва ўзимизнинг мавзумизга мослаштирган ҳолда такомиллаштириш лозим, деб ҳисоблаймиз. Чунки биз бевосита “ривожлантириш ва диверсификация қилишнинг ташкилий-иқтисодий меҳа-низмини” қараб чиқишимиз лозим. Юқоридаги таърифда, айнан, диверсификация қилишнинг ташкилий-иқтисодий механизми ўз ифодасини топмаган.

Биз қараётган масаладан келиб чиқиб юқоридаги таърифни бироз такомиллаштирган ва ўзимизга мослаштирган ҳолда қуйидагича изоҳлашни мақсадга мувофиқ, деб топдик. Юқоридаги мақсадлардан келиб чиқиб, келтирилган таърифни: **Туризмни ривожлантириш ва диверсификация қилишнинг ташкилий-иқтисодий механизм деганда, соҳани ривожлантириш ва кенгайтиришга йўналтирилган дастакларни ташкил этиш, уюштириш, ишлаб чиқариш кучлари ва уларнинг ҳолатига мувофиқ келувчи ишлаб чиқариш муносабатларини ҳамда ҳуқуқий асосларини такомиллаштиришга қаратилган чора-тадбирлар мажмуи тушунилади**, деган таъриф билан алмаштиришни тавсия қиламиз.

Ушбу тарифдан кўриниб турибдики, таърифда умумий ташкилий-иқтисодий механизм эмас, балки аниқ туризм соҳасини ривожлантириш ва диверсификация қилиш масаласига мослаштирилди. Ушбу таърифнинг асосий мақсади умуман иқтисодиётни ривожлантириш ва унинг самарадорлигини кўтаришга эмас, балки фақат туризм соҳасини ривожлантириш ва диверсификация қилишга қаратилганлиги билан ажралиб турибди. Мазкур соҳада ҳам таърифнинг мазмунига ташкилий тадбирлар билан бирга, иқтисодий ва ҳуқуқий тадбирларни ҳам киритиш мақсадга мувофиқлиги кўриниб турибди. Туризм соҳасида ҳам ҳар қандай иқтисодий тадбирлар маълум тизим асосида амалга оширилиши ва бу белгиланган қонунлар асосида тартибга солиниши табиий. Шу туфайли ташкилий-иқтисодий механизм таркибида ҳуқуқий асослари ҳам ўз ифодасини топган.

Хулоса ва таклифлар. Хулоса қилиб айтганда, туризм соҳасини ривожлантиришнинг ташкилий-иқтисодий механизмларининг назарий масалалари бўйича ҳали такомиллаштирилиши лозим бўлган масалалар мавжудлиги аён бўлиб қолди. Буларни тадқиқ қилиш натижасида бир қанча тавсиялар ҳам ишлаб чиқилди.

Биринчидан, туризмга оид ўқув адабиётларига (дарслик, ўқув қўлланмаларга) ташкилий-иқтисодий механизм тушунчасининг таърифларини киритиш мақсадга мувофиқ.

Иккинчидан, туризмни ривожлантириш ва диверсификация қилишнинг ташкилий-иқтисодий механизмини ҳам бизнинг такомиллаштирилган таклифимизга асосан, буни ҳам туризмга оид ўқув адабиётларига (дарслик, ўқув қўлланмаларга) киритиш лозим, деб ҳисоблаймиз.

Агар биз томонимиздан ишлаб чиқилган илмий-назарий ва амалий тавсияларимиз туризм соҳаси амалиётига жорий қилинса, ўйлаймизки, туризм соҳасининг ривожланиши учун “Ўзбекистон 2030” стратегиясида белгиланган янги истиқболли йўналишлар очилади ва соҳанинг жадал ривожланишига эришилади.

¹ Пардаев О.М. Маҳсулотларни сақлаб сотиш хизматлари самарадорлигини оширишнинг ташкилий-иқтисодий механизмлари. Монография. – Т.: “Фан ва технология” нашриёти, 2017. – 89 бет.

² Ўша жойда. – 89 бет.

³ Ўша жойда – 89 бет.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Мирзиёев Шавкат Миромонович. Ҳозирги замон ва Янги Ўзбекистон. – Т.: “O’zbekiston” нашриёти, 2024. – 560 бет.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 11 сентябрдаги, «Ўзбекистон — 2030» стратегияси тўғрисида”ги ПФ-158-сонли фармони. // Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 12.09.2023 й., 06/23/158/0694-сон.
3. Бутунжаҳон туризм ташкилоти (UNWTO) расмий веб-сайти маълумотлари. UNWTO World Tourism Annual Report 2018.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги фармонининг 1-илоvasи “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегияси”. – Т.: Ўзбекистон, 2018. - бет. ва Lex.uz.сайтида.
5. Саак А.Э., Якименко М.В. Менежмент в индустрии гостеприимства
6. Боголюбов В.С. Экономика туризма учеб.пособие для студ.высш. учеб.заведений-М. «Академия»,2005. – 192с.;
7. Квартальнов В.А. Современные концепции социального туризма. М.: Наука, 1993.;
8. Сенин В.С. Организация международного туризма: Учебник.- 2-е изд.- М.: Финансыистатистика, 2005.- 400 с.;
9. Тухлиев Н., Абдуллаева Т. Менежмент и организация бизнеса в туризме Узбекистана.- Т.: Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси.-2006. - 367 с.;
10. Абдурахмонов Қ.Х. Менежмент туризма: учебное пособие – Т. Филиал ФГБОУ ВПО “РЭУ им. Г.В.Плеханова” Ташкент, 2013-248 с.;
11. Тўхлиев И.С., Ҳайитбоев Р., Сафаров Б.Ш., Турсунова Г.Р. Туризм асослари Дарслик.- Т. Фан ва технология, 2014.- 332 б.;
12. Хамидов О. Х. Выбор конкурентной стратегии предприятий на рынке туристических услуг Узбекистана. Канд. дисс., 2006.
13. Алимова М.Т. Худудий туризм бозорининг хусусиятлари ва тенденциялари (Самарқанд вилояти мисолида) – докторлик диссертацияси, 2017.
14. Пардаев О.М. Маҳсулотларни сақлаб сотиш хизматлари самарадорлигини оширишнинг ташкилий-иқтисодий механизмлари. Монография. – Т.: “Фан ва технология” нашриёти, 2017. – 88-89 бетлар.
15. Ўзбек тилининг изоҳлилуғати: 80000 дан ортиқ сўз ва сўз бирикмаси. Ж. II. Таҳрир ҳайати: Т. Мирзаев (раҳбра) ва бошқ.; ЎЗР ФА Тил ва адабиёт ин-ти. – Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” ДИН, 2006. – 584 бет.

<p>М.Куймуратова</p> <p>Теоретические вопросы организационно-экономических механизмов развития туризма</p>	<p>M.Kuymuratova</p> <p>Theoretical issues of organizational and economic mechanisms of tourism development</p>
<p>Аннотация. В статье рассмотрены теоретические вопросы организационно-экономических механизмов развития туристической сферы. Проанализированы исследования, проводимые зарубежными и отечественными учеными в этой области, разработаны определения организационно-экономического механизма и организационно-экономических механизмов развития и диверсификации туризма. Даны рекомендации по включению этих определений в учебную литературу.</p> <p>Ключевые слова: туризм, туристический сектор, анализ, информационно-коммуникационные технологии, организационно-экономический механизм, организационно-экономический механизм развития туризма, организационно-экономический механизм диверсификации.</p>	<p>Abstract. The article considers theoretical issues of organizational and economic mechanisms of tourism development. The studies conducted by foreign and domestic scientists in this area are analyzed, definitions of the organizational and economic mechanism and organizational and economic mechanisms of tourism development and diversification are developed. Recommendations are given for including these definitions in educational literature.</p> <p>Keywords: tourism, tourism sector, analysis, information and communication technologies, organizational and economic mechanism, organizational and economic mechanism of tourism development, organizational and economic mechanism of diversification.</p>

ISSN 2091-5187

☞ “СЕРВИС” ☞

Журнал Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти таҳририят
бўлимида нашрга тайёрланди.

12.09.2024 йилда теришга берилди. 27.09.2024 йилда босишга рухсат этилди.
Офсет босма қоғози. Қоғоз бичими 60x84_{1/8}. “Times” гарнитураси. Офсет
босма усули. Шартли босма табоғи 15,76. Ҳисоб-нашриёт
табоғи 13,75. Адади 100 нусха. Буюртма № 0110А/24

Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институтининг
матбаа бўлимида чоп этилди.
Лицензия № 025316.
Реестр № Х-119112.

Манзил: Самарқанд шаҳри, Шохрух кўчаси, 60-уй.

© Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти, 2024.